

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мирвосиқов Бекзод Раҳим ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
306-гуруҳ курсанти

Аннотация: Битирув малакавий ишида профилактика инспекторининг тезкор-қидирув хизматлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларининг ўзига хос хусусиятлари, асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари, амалиёт таҳлили, ушбу йўналишдаги муаммо ва камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар ёритиб берилган

Annotation: This dissertation focuses on the relevance of the research topic, the concept of the prophylactic inspector's work to ensure human rights and freedoms, the current state of human rights and freedoms, and the nature of the prophylactic inspector's role in ensuring human rights and freedoms. In addition, the operational analysis of the norms of the activities of prevention inspectors to ensure human rights and freedoms, as well as procedural documents in this area, the problems and shortcomings in this area, as well as a number of shortcomings and shortcomings. In addition, the best practices of other foreign countries in the field of human rights and freedoms, as well as similar and different aspects of our national legislation, as well as the above-mentioned aspects will be used to improve this activity.

АСОСИЙ ҚИСМ:

Республикамизда давлат тузилиши ва сиёсий ҳаёти инсонпарварлик принципи билан тўлдирилган бўлиб инсоннинг ҳаёти, шахсий дахлсизлиги, эркинлиги олий қадрият ҳисобланади. Ушбу қадриятларни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ички ишлар идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг фаолияти замон талабларига жавоб берадиган даражада тубдан ислоҳ қилинди. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Буларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Жамият аъзоларининг тинчлиги ва осойишталиги, хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда ушбу йўналишда комплекс тадбирлар амалга оширилади, ушбу йўналишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини барвақт олдини олиш алоҳида ролни эгаллайди.

Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқлари етакчи ўринни эгаллаши умумэътироф этилган далилдир. Инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳар қандай цивилизациялашган, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдаги ролини камайтириб бўлмайди. Демократик, ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шарти асосий ҳуқуқ ва эркинликларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳақиқий тизимини яратиш ҳисобланади. Ҳар қандай давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши ва уларга бўлган муносабати ушбу давлатдаги демократия ва унинг “сиёсий имиджи”ни кўрсатиб беради.

Барча демократик давлатларда ҳокимиятнинг асосий таянчи бўлган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Конституция ва қонунлар билан уни мустаҳкамлаб қўяди. Шу ўринда ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни давлат ўз зиммасига олади. Ҳуқуқий давлатда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва тергов қилиш қонуний воситалар ёрдамида олиб борилиши лозим. Давлатнинг барча ҳокимият-ижро етувчи тузилмалари ва айниқса, ички ишлар органлари (ўз ваколатлари доирасида) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаб бериши, уларни ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириши даркор. Мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилиш зиммасига юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида ички ишлар органлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ички ишлар органларининг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

- фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;
- жинойтлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш; – жинойтларни тезда ва тўлиқ очиш;
- жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;
- мулкни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда фуқароларга, мансабдор шахсларга ва бошқа субъектларга ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

Ички ишлар органлари тузилмавий бўғинларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳуқуқларга таҳдид солаётган турли ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунинг 2-моддада:

“Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикадан иборат” деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, қонуннинг 4-(асосий принциплар) ва 8-моддалари (Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципи)да ҳам асосий вазифалар белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ички ишлар органларининг зиммасига маъсулиятли вазифалар белгилаш орқали уларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этишини белгилаб берди. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини самарали ташкил этишда профилактика хизматлари билан бир қаторда бошқа соҳавий хизматларининг ҳам роли алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг тергов, тезкор-қидирув, эксперткриминалистика, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва бошқа хизматлар билан мунтазам ҳамкорликда фаолият юритиши талаб этилади. Ўз навбатида бир хизмат иккинчи хизматнинг ёрдамисиз белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаши имконияти чегараланган.

Ички ишлар органларининг соҳавий хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳамкорлигини ташкил этиш ва уларни мунтазам такомиллаштириб боришнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари жамоат тартибини сақлаш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, мол-мулкларини турли хил жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлигини, шунингдек, ҳуқуқбузарлик профилактикасини таъминлаш борасида тегишли чора-тадбирларни ваколати доирасида мустақил равишда ва ўзаро ҳамкорликда амалга оширишлари мумкин

Жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий кураш олиб бориш, энг асосийси уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш “жиноятларни жиловлаш”да энг асосий вазифалардан биридир. Таъкидлаш лозимки профилактика инспекторининг тезкор-қидирув

хизматлари билан ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидаги йўналишларга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ:

- 1) содир этилган жиноятларни иссиқ изидан очиш бўйича тезкор тадбирларни ташкил этиш;
- 2) бедарак йўқолганларни аниқлаш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- 3) қидирувдаги шахсларни ушлаш;
- 4) экстремистик ва террористик ташкилотларни аниқлаш ва фаолиятига чек қўйиш;
- 5) наркотик моддаларни ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва гуруҳларни аниқлаш;
- б) уюшган гуруҳ ва жиноий тузилмаларни аниқлаш;
 - суриштирув органлари, суд ва терговдан яширинган шахсларни, бедарак йўқолганлар қидируви ҳамда шахси номаълум мурдаларни аниқлаш;
 - диний экстремистик оқим тарафдорларини, айниқса, ушбу экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган ёшларни аниқлаш;
 - ҳудудда норасмий фаолият кўрсатаётган диний хужралар, ноқонуний фаолият кўрсатаётган масжидлар ҳамда экстремистик диний ташвиқотлар юргизувчи фуқаролар, отинойилар, имом-хатибларни аниқлаш, биргаликда бу тоифа шахслар билан профилактик-тезкор тадбирлар ўтказиш

Ўзаро ҳамкорлик – қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади. Ҳамкорликни ташкил қилишга ички ишлар органлари тизимидаги меҳнат тақсимоли, таркибий бўлинмалар ўртасида вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши каби масалаларни қамраб олган мақсаднинг вужудга келиши сифатида ҳам қараш мумкин. Ўзаро ҳамкорликнинг мақсади бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларини ҳал этишда куч ва воситаларнинг тўғри тақсимланишини англади

Ҳозирги глобаллашув жараёнлари, Яқин шарқ мамлакатлари, шунингдек Афғонистондаги воқеа-ҳодисалар, диний-экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, қуроляроқ савдоси каби трансмиллий жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги эса ушбу йўналишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва шакллари такомиллаштириб боришни талаб этади.

Таъкидлаш лозимки, профилактика инспекторининг тезкор-қидирув хизматлари билан ҳамкорлигини ташкил этишда биринчи навбатда хизмат кўрсатадиган маъмурий ҳудуддаги криминоген вазиятларни чуқур таҳлил қилиш

ва шундан келиб чиқиб ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни белгилаш фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширишда жиноятчиликни таг-томири билан бутунлай тугатиш мақсади ҳаққоний эмас. Жиноятчилик ҳолати ва унга қарши кураш шарт-шароитларидан кўриниб турибдики, у баъзан самарали, баъзан эса бесамара ўтқазилиши мумкин. Зеро, қанчалик қайғули бўлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган.

ХУЛОСА

Бугунги кунда, шубҳасиз жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилмоқда, фош этилган жиноятлар қаттиқ жазоланмоқда. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор узок муддатли чора тадбирлар ишга солинган. Улар жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда, жамоатчиликнинг ҳусусан фуқароларнинг жиноятчиликка қарши имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик олиб келадиган емирилишдан энг яхши химоядир.

Оилада, мактабда, меҳнат жамоаларда, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, рухонийларнинг обрў-эътибори-ҳамма-ҳаммаси одамларда қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршилиқ шаклланишига қаратилмоғи лозим.

Фуқаролик жамиятини қурмоқчи еканмиз ишни авваломбор, шундан бошлаш лозим. Демократик институтлар жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаши, ҳал қилувчи кучга эга бўлиши зарур. Бу гап ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига-иқтисодиётга, сиёсатга, ва албатта маънавиятга тааллуқлидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини давр талабига кўра ташкил этилиши керак. Ҳокимиятнинг маҳаллий ва марказий бошқарув органлари ҳамда бошқа давлат органлари бу жараёнга тўсик бўлмасликлари, аксинча, бу фаолиятни ташкил этишни рағбатлантиришлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январь куни “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Президент Фармони

4. 13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // URL: <http://www.lex.uz>

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 август кунидаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сонли буйруғи

6. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» қонуни // URL: <http://www.lex.uz>

8. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>